Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

# Ишонч

38

1992 йил 21-27 сентябрь (77)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## ТОЖИКИСТОН ТАҚДИРИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ!

### Тожикистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Муродали СОЛИХОВГА Тожикистонлик касаба уюшмалари фаолларига

*Тожикистонлик азиз биродарлар, ҳамкасблар!*

*Сизлар яшаётган ҳудудда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан биз, ўзбекистонликлар беҳад ташвишдамиз.*

*Бизнинг мустақил республикамиз қардош Тожикистон Республикасининг ички ишларига аралашмайди. Бироқ, у ерда юз бераётган вазиятга бефарқ қараб ҳам бўлмайди. Даҳшатли можаролар шошилинч чоралар кўришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош котиби Бутрос Галига, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Акбаршо Искандаровга, Жаҳон тожиклари вакилларининг анжумани қатнашчиларига йўллаган мактубларида билдирган ташвишлари, таклифлари ва тилаклари жуда ўринли бўлиб, биз касаба уюшмалари ходимлари унга бажонидил қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.*

*Доно, фозил ва меҳнаткаш тожик халқи қисқа вақтда мавжуд қийинчиликларнинг олдини олишга, ўзаро иттифоққа келишга, меҳнаткашлар турмушини изга солишга, издан чиққан корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ишини юргизиб, мўътадил ҳаётни таъминлашга қодирдир.*

*Қардош Тожикистон минтақамиз халқлари ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва аҳиллик қарор топиши ва мустаҳкамланиши йўлида қўлидан келган барча чораларни кўришига имонимиз комил!*

*Қондош ва жондош тожик халқига сабр-тоқат, осойишталик, жипслик ва бирдамлик тилаймиз!*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси** **Б. АЛЛАМУРОДОВ.**

### Хабарлар мағзи




● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний жаноби олийларига мактуб йўллади.

● **ТОШКЕНТДА** мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журналистлар билан ўтказган матбуот конференцияси Ўзбекистон ва Афғонистон мамлакатлари ривожига бағишланди.

● **ХУНРЕЗЛИК ТЎХТАТИЛСИН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН!** Ҳукуматга даҳлсиз мустақил ташкилот — Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий қўмитаси Тожикистон Республикасидаги воқеалар муносабати билан МУРОЖААТ қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг махсус вакили, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маҳкамасининг директори жаноб Раймонд Сомерейнсни қабул қилди.

● **САМАРҚАНД** вилояти адлия бошқармаси «Шароф Рашидов жамғармаси»ни рўйхатга олди.

## «ЧАНДИР» ЛИКЛАР ЧАМАСИ

Қашқадарё вилоятининг Баҳористон районидаги «Чандир» давлат хўжалиги 3500 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

— Йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик билан киришдик,— дейди хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сафар Хушназаров,— Аввало теримчилар этак, қоп-қанорлар билан тўла таъминланди, хирмон жойлари барвақт тайёрланди. Хўжаликдаги 29 та дала шийпонида далада ишловчилар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Теримчиларнинг болалари учун иккита доимий, бешта мавсумий болалар боғчалари ишлаб турибди. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 2 сўмдан пул тўланаяпти. 56 та пахта териш машинаси шай қилиб қўйилди. Машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 120 сўмдан пул тўлашни белгилаб қўйганмиз. Бу йил ҳосилнинг 90 фоизини машиналар ёрдами билан териб олмоқчимиз. Хўжаликнинг Худойберди Қурбонов, Мискиной Қурбонова, Ўрин Мамедов, Давлат Нурмонов сингари механик-ҳайдовчилари мавсумда 110—120 тоннадан пахта териш иштиёқи билан теримга шай бўлиб турибдилар.

**Т. АЛИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Ҳосил чўғидан мамнун бўлиб, жилмайиб турган бу йигит Жарқўрғон районидаги «Социализм» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Нурхон Хўжанов бўлади. Куни кеча у киши бошчилик қилаётган хўжалик пахтакорлари йиғим-терим ишига киришдилар. Биз эса уларга, «Ҳосилингиз мўл-кўл бўлсин, хирмонингизга барака!» дегимиз келади.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

ОБУНА — 93

## ҚЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ, АЗИЗЛАР!

### ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64560
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64560
(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | обуна сони
баҳоси сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64561
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64561
(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | обуна сони
баҳоси сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

КОРЕЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН:

# БИРИНЧИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

*Илгари хабар берганимиздек, Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси вице-президенти Ян Нам Ванг ва Ўзбекистон давлат «Автосельхозмаш» концерни бошқаруви раиси Анвар Аъзамович Юсупов республикамизда ўзаро ҳамкорликда автомобиль заводи қуриш юзасидан битимни имзолаган эдилар. Битим ҳар иккала давлат ҳокимиятлари тасдиғидан ўтгач тўла кучга киради.*

*Битим имзолангандан сўнг сўзга чиққан Ян Нам Ванг Қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:*

— Биринчи навбатда ДЭУ фирмаси Президенти жаноб Ким номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига, Бош Вазир ўринбосари Б. Ҳамидовга Андижон вилоятидаги Асака шаҳрида ҳамкорликда автомобилсозлик заводини яратиш юзласидан ишлаб чиққан дастуримизни қўллаб-қувватлаганликлари учун катта миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Мен «Автосельхозмаш» концерни ва ДЭУ фирмаси ўртасида қўшма корхона яратиш юзасидан бугун имзоланган битимни тайёрлашда «Автосельхозмаш» концерни бошқаруви раиси жаноб А. Юсупов ва унинг ходимлари кўрсатган аъло даражадаги ҳамкорлик намуналаридан ва бажарган қийин ишларидан бағоят таъсирланганлигимни таъкидламоқчиман. Битим лойиҳаси 40 кун ичида тайёр бўлди. Бугунги кун ҳар иккала томон — Корея ва Ўзбекистон учун тарихий кун сифатида ёдда қолади. Лекин биз заводда автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлагунимизча яна ҳам баланд парвозларга эришишимиз керак.

Асака заводида ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотларимиз — булар енгил автомобиллар, кичик автобуслар, фургонлар, ихчам юк машиналаридир. Йилига бундай машиналарнинг 180 мингтасини ишлаб чиқариш юзасидан қувватлар тайёрланмоқда. Шундай машиналар ишлаб чиқаришга «Автосельхозмаш» ва ДЭУ 100 миллион доллардан, жами 200 миллион долларни капитал маблағ сифатида сарфлайди.

Мўлжалланган улкан лойиҳани рўёбга чиқариш учун биз қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз. Ўзбекистондаги барча мижозларимиз эҳтиёжи тежамли, сифатли ва арзон баҳоли аъло даражадаги маҳсулотлар билан тўла даражада қондирилишига ишончим комил.

Яна бир карра ўзбек биродарларимизга чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

* * *

Битим имзоланди. Биринчи муҳим қадам қўйилди. Эндиги навбат келишилган шартларни амалга оширишга! Ҳадемай бу соҳада ҳам муҳим қадамлар қўйилади. Ҳозир иккала томон келишилган шартларни бажариш бўйича ўз таклифларини баён этмоқдалар.

— Автомобиль ишлаб чиқариш учун Андижон вилоятидаги Асака прицеплар заводининг танланганлиги бежиз эмас,— деди биз билан суҳбатда «Автосельхозмаш» концерни бош муҳандисининг ўринбосари Жавод Юнусов. — Чунки бу завод икки ҳудудда жойлашган. Биринчи ҳудуд автомобиллар ишлаб чиқаришга мосланса, иккинчи ҳудудда прицеплар ишлаб чиқарилаверади. Чунки тракторларга тиркаб пахта, озуқа, сабзавот ташиладиган прицеплар ҳам бизга сув билан ҳаводек зарур. Ундан воз кечиб бўлмайди.

**— Битим имзолангач, журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида Ванг жаноблари «Автомобиль заводи қурилиши икки босқичда олиб борилади», деди. Бу босқичларни қандай шарҳлаш мумкин?**

— Биринчи босқичда кузов деталларини штамповкалаш, кузовни пайвандлаш, бўяш ва йиғиш ишлари йўлга қўйилади. Бу ишлар 1995 йилгача якунланади. Двигателлар ва трансмиссияни эса Корея етказиб бериб туради.

Иккинчи босқичда эса двигателлар ва трансмиссияни ҳам Асака шаҳрида ишлаб чиқаришга эришилади. Шу тариқа 1999 йилга бориб машина қисмларининг 75 фоизи Ўзбекистонда тайёрланадиган бўлади. Қолган чорак қисмини эса республикамиз ҳамда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларидаги турдош корхоналар етказиб беради. Масалан, Жиззах аккумулятор заводининг бир қисми енгил машиналар учун аккумулятор ишлаб чиқаришга мослаштирилади. Лекин шиналар таъминотида қийинчиликлар туғилиши мумкин. Республикамиз химия саноати бу хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгунча уларни Корея, Қозоғистон ва Россия шаҳарларидан олиб туришга тўғри келади.

Етти йил ичида республикамизда автомобиль ишлаб чиқариш тармоғи тўла таркиб топади. Бу унчалик катта муддат эмас. Шу йиллар давомида навбатма-навбат «Лабо» белгили ихчам юк машиналари, «Дамас» белгили кичик автомобиллар ва фургонлар, «Тика» белгили енгил автомашиналар ишлаб чиқариш ўзлаштириб олинади. Дастлабки кичик юк машиналари 1996 йилда конвейердан тушади.

Бундан олдинроқ Кореядан 3 мингта машина олиб келиб Ўзбекистон йўлларида синаб кўрамиз. Балки уларнинг айрим қисмларини шароитимизга мослаб қайта лойиҳалашга тўғри келар. Айни пайтда республикамизда бўлажак автомашиналарга бўлган эҳтиёжни ҳам ўрганамиз.

**— Заводда ишлайдиган кадрлар қаерда тайёрланади?**

— Асосан Кореяда. ДЭУ фирмаси кадрларимизни бир ойдан олти ойгача ўқитиш кафолатини олди. Завод ишга тушишидан олдин ишчилар, техник ва бошқарув ходимлари Кореяда малака ошириб келадилар. Бунинг учун концернга кирувчи барча корхоналардан лаёқатли кишилар танлаб олинади. Умуман, битимда кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш масалалари алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Чунки жаҳон ўлчовларига мос келувчи машиналарни фақат малакали мутахассислар ишлаб чиқара оладилар.

**— Автомобиллар ишлаб чиқаришдан тушадиган фойда қандай тақсимланади?**

— Тенг иккига бўлинади: 50 фоизи Ўзбекистонда қолса, 50 фоизини Корея олади. Чунки, ускуналар, остноскалар, технологик линиялар, конструкцияларнинг ҳаммасини бизга Корея етказиб беради. Улар жуда ҳам катта суммани ташкил этади. Қурилишга кетадиган харажатларни ҳам икки томон баробар кўтаради. Бир сўз билан айтганда тенг шерикчилик принципига тўла амал қилинади. Битимга кўра шерикчилик салкам бир аср давом этади. Бундай қадамлар ҳар иккала халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини яна ҳам пухтароқ боғлашга хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Жасур **НОСИРОВ.**

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

***«Ишонч» бир йилда 52 марта чиқади. ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН унинг йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи —64560)***

***КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ 312 СЎМ ҚИЛИБ БЕЛГИЛАНДИ. (нашр кўрсаткичи — 64561)***

**ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**
**ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!**

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, исми ва отасининг исмини яниқ зиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

**ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**
**ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!**

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, исми ва отасининг исмини яниқ зиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

# Биздан сўрабсиз

**Ушбу саҳифага келган саволларга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини М. СУЛТОНОВ, Республика социал таъминот вазирининг муовини Қ. САИДОВ ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар бўлими бошлиғи И. ИСМОИЛОВлар жавоб беришади.**

???

*Республикамиз Президентининг 1992 йил 27 июндаги Фармонида «Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг, ўрта-махсус ва ҳунар-техника билим юртлари муаллимларининг, профессор ўқитувчилар таркибининг, шифокорлар, илмий ходимларнинг иш ҳақи 1,8 баравар, бюджет ҳисобидаги бошқа ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақи 1,5 баравар оширилсин», дейилган.*

*Район халқ таълими бўлимларида ишловчи назоратчилар ва услубшуносларга биринчи июлдан эътиборан 1,5 баравар оширилган миқдорда ойлик иш ҳақи тўланмоқда. Улар ҳам ўқитувчи ҳисобланмайдими , умумун шундай қилиш тўғрими?*

*Муҳаммади ЕРҚУЛОВ,*

*Муродулло ЖЎРАЕВ ва бошқалар.*
*Косон район халқ таълими бўлимининг назоратчи ва услубшунослари. (Жами 6 имзо.)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги Фармонига кўра, ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақлари 1,8 баравар, бошқа ходимларники эса 1,5 баравар оширилди.

Назоратчи ва услубшунослар ҳам педагогика соҳасининг ходимлари ҳисобланадилар. Халқ таълими вазирлигининг назоратчилар ва услубшуносларнинг ойлик иш ҳақларини 1,8 баравар ошириш ҳақидаги масалани вазирлигимиз айни кунларда Республика Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ижобий ҳал этишни режалаштирмоқда.

???

*«Болаликни ҳимоя қилиш» комиссияси ҳисобида район халқ таълими бўлимидан бирор қариндошининг васийлигига берилган, ота-онасидан маҳрум бўлган ўн уч нафар бола нафақа олади. Бу болаларга тўланадиган нафақа ўттиз сўм миқдорида эди. 1991 йил 1 апрелдан эътиборан нафақа миқдори 110 сўмга кўтарилди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлигидан 1991 йил 2 апрель 87-02-242 рақамли хат халқ таълими вазирининг биринчи муовини имзоси билан васийликка олинган болаларга тўланадиган нафақа энг кам маош миқдорида сақлансин, деган мазмунда хат келди. Шу хатга асосланиб биз васийликка олинган болаларга тўланадиган нафақа миқдорини 350—550 сўмгача оширдик. Яқинда Президентимизнинг янги Фармони чиқди, унда энг кам нафақа ва ойлик маош минг сўмдан кам бўлмасин, дейилган. Биз ҳам нафақа миқдорини минг сўмга оширишимиз мумкинми?*

*Ҳомид УНАРОВ,*

*Самарқанд вилояти, Қўшработ райони халқ таълими бўлими қошидаги «Болаликни ҳимоя қилиш» бўлими назоратчиси.*

Ота-онасидан маҳрум бўлган ва бирор кишининг васийлигига берилган болаларга тўланадиган нафақа миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 25.03. 1991 йил, 65-сонли қарорига асосан 110 сўм қилиб белгиланган эди, яъни 30 сўм нафақа пули ва 80 сўм миқдорида энг кам ойлик маош, Президентимизнинг кейинги чиқарган Фармонларига биноан энг кам ойлик 1000 ва 1250 сўмни ташкил этди. Лекин ота-онасидан маҳрум бўлган ва бирор кишининг васийлигига берилган болаларга тўланадиган нафақа миқдори ўзгаришсиз 110 сўмлигича қолдирилди.

???

*Мен Президентимиз Фармони бўйича халқ таълими вазирлигининг давлат уйларини шахсий қилиб олиш ҳақидаги қарорига асосан 1991 йил декабрь ойида уй ойимизни ҳужжатлаштириб олган эдим. 1992 йил июль ойида эса шаҳар ҳокимлигининг маблағ бўйича таъминот бўлимидан мактуб олдим. Унда уйимиз турмуш ўртоғимга ҳарбий бўлинмадан берилганлиги учун қўшимча справка талаб қилинган. Биз ана шу мактуб асосида ҳарбий бўлинма раҳбариятига мурожаат қилдик. Аммо у ҳеч қандай справка беролмаслигини айтди. Наҳотки, ўн саккиз йиллик ўқитувчилик фаолиятим билан ушбу қарордан фойдалана олмасам?*

*Зубайда ЎЛЖАЕВА,*

*Бухоро вилояти,*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан ўқитувчилар ўзлари яшаб турган давлат ҳамда идораларга қарашли уйлар ва квартираларни шахсий мулк сифатида бепул олиш ҳуқуқига эгадирлар. Барча идоралар, корхоналар, ва ташкилотлар Президент Фармонини бажаришлари шарт.

Фармон чиққандан сўнг ҳокимликлар, халқ таълими бошқармалари, идоралари қошида ишларни ташкил этиш ҳамда Фармон ижроси қандай амалга оширилаётганини назорат этувчи, ҳар қандай масалаларни ҳал қилувчи комиссиялар тузилган. Шунинг учун сиз вилоят халқ таълими бошқармасига ёки ҳокимликнинг тегишли идорасига мурожаат этишингиз мумкин.

???

*Мен 1962 йилда туғилганман. Беш нафар фарзандим бор. Тўққиз йиллик иш стажим. Жумладан беш йил мактабда тўгарак раҳбари бўлиб ишладим. Ҳозир медицина ходимларининг кўрсатмаларига биноан касаллигим туфайли ногиронлик нафақасига чиқишим керак. Ҳозир ҳам мактабда, ўз ишимда ишлаяпман. Агар ногиронлик нафақасига чиқсам ўқитувчилар учун берилган имтиёзлардан фойдалана оламанми? Ана шу имтиёзлардан фойдаланиш учун нима иш қилишим керак? Ишдан ажралмаган ҳолда нафақа олишим ҳам мумкинми? Фарзандларим учун бериладиган нафақани қаердан олишим мумкин? Болаларнинг онаси ҳеч қаерда ишламайди.*

*Абдувоҳид НОРҚУЛОВ,*

*Самарқанд вилояти, Қўшработ райони.*

Амалдаги нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунга кўра ногиронлик нафақалари врач — меҳнат экспертиза комиссияси (ВТЭК) томонидан доимий ёки вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган деб топилиб, ногиронлик гуруҳи белгиланган фуқароларга тайинланади. Ишлаётган ногиронларга маошидан ва бошқа даромадларидан қатъий назар нафақалар тўлиқ тўланади.

Республикамиз Президентининг 1992 йил 27 июндаги Фармонига биноан 1992 йил 1 июлидан бошлаб биринчи гуруҳ ногиронлари нафақаларининг энг кам миқдори 1500 сўм, иккинчи гуруҳ ногиронларига минг сўм, учинчи гуруҳ ногиронларига эса 500 сўм қилиб белгиланди. Бундан ташқари ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари нафақаларига қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари учун ҳам энг кам қарилик нафақасининг эллик фоизи миқдорида қўшимча нафақа берилади.

Агар сизга биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича нафақа тайинланиб,ишни давом эттирсангиз, фарзандларингиз учун нафақа иш жойингиздан тўланади. Ишдан бўшаганингиздан кейин фарзандларингизнинг ҳар бири учун 500 сўмдан қўшимча нафақа берилади. Агар сизга учинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича нафақа тайинланса, болаларингиз учун бериладиган нафақа иш жойингиздан, ишламасангиз, яшаш жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлими орқали тўланади. Ўқитувчилар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш масаласида район халқ таълими бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

???

*Мен 1973 йилдан бери ҳамшира бўлиб ишлайман. Бизнинг уч нафар фарзандимиз бор. Тўнғичимиз Шуҳрат «Ваакум»да туғилган. У бир ёшдан ошганлигига қарамасдан ўтира олмасди. Уни саккиз ёшигача Тошкент шаҳридаги соғломлаштириш боғчасида тарбиялашди. Ҳозир Шуҳрат ўн тўрт ёшда. Умидим келажакда бирорта ҳунар эгаси бўлса деймаи. Ногирон боласи борларга қандай имтиёзлар бор? Шу ҳақда маълумот берсангиз?*

*Рисолат ҚУРБОНОВА,*

*Тошкент вилояти, Бўка шаҳри.*

Ҳурматли она, мактубингизга қуйидаги жавобларни беришни лозим топдик. 1. Болангизни келажакда ҳунар эгаси бўлиши учун бирон бир енгилроқ ишга ўргатиш мумкин. Ақлий ногирон бўлган болалар интернати Тошкент ва Фарғона шаҳарларида жойлашган. У ерда болаларнинг яшаши ва енгил ишларни бажаришга ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тошкентда эса Қорақамиш мавзесида иккинчи ногирон — болалар интернати бор. 2. Ногирон болангиз борлиги учун сизга социал таъминот бўлими томонидан нафақа берилиши керак. 3. Ногирон болалар яшовчи уйларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилинмоқда.

Агар болангизни ногиронлар уйига жойлаштирмоқчи бўлсангиз район социал таъминоти бўлимига мурожаат қилинг.

**● Саҳифани Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.**

# ГАЗЛИ КИЧИК КОРХОНАСИ



## ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Газли» кичик корхонаси газ қувурлари ўтказиш борасида уч йиллик тажрибага эга. У бундай ишларни Тошкент вилояти жамоа ва давлат хўжаликларида олиб борган.

Қувурларни харид қилиш шартлари ўзгарганлиги, яъни ҳозир қувурларни фақат мол айирбошлаш асосида келтириш мумкинлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавжуд хўжаликларнинг раҳбарларига қишлоқ жойлардаги посёлкаларни газлаштириш юзасидан биз билан шартномалар тузишни таклиф қиламиз.



Агар Сизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотингиз бўлса, Сиз ўз хўжалигингиздаги, посёлкангиздаги ҳар бир уйда, ҳар бир маҳаллада кафолатли равишда газ ва иссиқлик бўлишига эришишингиз мумкин!

Бизнинг корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, лойиҳалаш-текшириш ишлари олиб бориш, кўргазмалар ва мусобақалар ташкил этиш борасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

ГАЗЛИ

Манзилгоҳимиз: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 4-қават.
Телефонимиз — 44-10-40

---

Жамғарма Банки

# ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикасининг 12 фоиз ютуқли заём облигацияси — омонатингизни сақлашнинг ишончли ва қулай усули.

Заём 20 йилга мўлжаллаб 250, 500 ва 1000 сўмлик облигацияларда чиқарилган.

Тираж йилда 4 марта ўтказилади.

Ютуқлар 2000 сўмдан 250. 000 сўмгача белгиланган.

**Навбатдаги тираж 1992 йил 30 сентябрда Урганч шаҳрида бўлади.**

Республика заёми облигациясини сотиб олсангиз, йирик ютуққа эга бўлишингиз мумкин.

**Заём облигациялари Тошкент шаҳар жамғарма банки муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.**

**Сизга омад тилаймиз ва Жамғарма банки муассасаларида кутамиз!**

Жамғарма Банки Тошкент шаҳар бошқармаси.

## Нуқтаи назар

# КУНДОШЛИ




— **КУНДОШИМ** Ойчучукни келин қилиб олиб келганимизда эндигина ўн тўртни қоралаган эди. «Бозор кетди Сорибой, ётиб қолди ярим ой» дегандай бир иш буюрсанг эсидан чиқиб қолиб кетарди. Овқат пиширишдан тортиб кир ювишгача ўзим ўргатдим. То уч болали бўлгунча тандирга яқинлаштирмаганман. Қатим тортишни билмасди, қишлоқда «Чучук чевар» деган номи чиқди.

— Момосулув момо, бобойдан ҳеч рашк қилганмисиз?

— Йўқ, айланай, ўзим ҳол-жонига қўймасдан уйлантирганман. Болаларим турмади, битта ўғлим ёлғизланиб қолмасин, кундошимнинг болалари елкадош бўлсин, дедим-да. Ота бир, эна бошқа бўлсаям нариродан берироқда айланай. Мана, худойимга шукур, саккиз ука-синглиси бор. Биронтасида ўгайлик сезмаганман.

— Ҳозирги ёшлар кундош тутиша олармикинлар, нима дейсиз, момо?

— Ҳув, болама. Ҳозиргилар кундош тутиша олармиди. Йигирмага киргани боламан деб ўтиради-ю, битта хотинини эплашолмайди-ю. Бир улим (ўғлим-шева) хотини билан ажрашармиш, ҳа, десам, «характеримиз тўғри келмайди» деди. Кир уйга, дедим. Хотинингдан кечирим сўра, характерингни қўй, ўзинг тўғри бўл, дедим. Мана, бип-бинойи яшаб юрибди. Ҳай-ҳай-ҳай, буларди асаби чатоқ, асаби. Бағрикенглик йўқ. Эри сал кечикса, хотинларнинг сочи паншахадай бўлиб кетади.

Момосулув момо билан гурунглашар эканман, куни кеча хасратини дастурхон қилиб кетган дугонам Маҳбубани эсладим.

...Почча бўлмишимизга Маҳбуба иккинчи хотин бўлиб борган экан. Буни Маҳбуба тугул куёвнинг ота-онаси ҳам билмас экан. Тўйдан сўнг, икки ҳафта ўтар-ўтмас, биринчи хотини қизчаси билан Тошкентдан етиб келибди...

— Яшашимдан маъни қолмади. Мени оёқ ости қилишди. Кундош билан яшагандан кўра...

Маҳбубанинг аламли кўз ёшларини ҳеч унутолмайман. Суянган тоғим, ишонганим деган кишининг хўрлашидан ортиқроқ даҳшат бормикин, дунёда. Афсуски, бундай беоқибатлик қишлоғимиздаги Ўроқ бобони ҳам зор қақшатди.

Пардабой Ўроқ бобонинг кенжаси. 2 болали хотиннинг устига яна уйланибди. Бу хотинидан ҳам 3 фарзанд кўрди, шаҳарда яшашади. Иккинчи хотини Пардабойдан ўламан саттор Заргулдан ажрашасан деб туриб олган. Ўроқ бобо билан кампири бунга бутунлай қарши:

— Заргул бечора икки бола билан қаерга сиғади. Каттаси 7-синфда, кичиги 5-синфда ўқийди. Биз қарияларнинг тилимиз айланиб тургани билан қўлимиздан бир иш келмайди. Бутун рўзғор Заргул бечоранинг гарданига тушган. Шаҳарлик келин ўлсаям қишлоққа келмайди. Келдиям дейлик, бир сигирнинг елинига кучи етармикин?

— Эй, бу улимиз бизди шарманда қилди. Қишлоқда тилимиз узунийди. Одамларга маслаҳатгўй эдик. Энди ўзимиз... Ҳай болапақир-а.

Пардабой қишлоқнинг олди қизига уйланган эди. Севиб, ёниб, куйиб уйланган эди. Нега энди? — деган саволга жавоб излайман. Жавобнинг ўзи бўлиб Заргул туради. Калта соч, юз-кўзига «ишлов» берилган таннозгина шаҳарлик келин билан ёнма-ён турисша онасига ўхшаб қолади. «Мундоқ ўзингга қараб юр» деган сўроқнинг ҳам бинойидай жавоби бор. «Вақт йўқ». Бир молхонани тозалаб чиқсанг, ўнта фаранг атирнинг ўрнини «босади». Куни бўйи тиним билмай чарчайди. Бир оғиз ширин сўз эшитмайдиям, эрига бир оғиз ширин сўз айтмайдиям, «худонинг кечани яратганига шукур» дейди-ю уйқуга кетади.

Ахир, эркакларни авайлаб-асраши аёлларнинг ўзларига боғлиқ эмасми? Жуда кўп ишларга кетган вақтдан, наҳотки озгина ораcталикка чегириб қолишнинг иложи бўлмаса. Муҳими-севилиш. Пазандалик, чаққонлик, меҳнатсеварлик кейинги ўринда туради. Янаям аниқроғи...

* * *

Кейинги пайтларда кундошликни ёқловчилар сони кўпайиб боряпти. Ҳатто, қонунийлаштириш тарафдорлари ҳам бор. Гўёки, қариқизликнинг, беваликнинг, фоҳишаликнинг, бахтсиз оилаларнинг, жиноятларнинг олдини олармиш. Балки, қайсидир маънода тўғридир.

Мени қийнайдиган нарса кўр-кўрона эргашувчилар, мутаассиблар, баднафс кимсаларнинг кўрсатмоқчи бўлган кароматлари. Шундай экан, аёлларни маънавий қийнашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонунийлаштириш даражасига чиқариш мумкин эмас.

Курсдошим Абдураим билан баҳслашиб қолдик. Унинг фикрига эътибор беринг-а:

— Агар йигит киши ўз севганига уйланмаса, барибир хотинидан кўра севган қизи томон талпинаверади. Қани уни қайтариб кўринг-чи? Агар бир эркакнинг 3 та хотини бўлар экан, кўчадаги бирон аёлга қайрилиб қарамайди. Инқилобгача фоҳишалар бўлгани ҳақида эшитганмисиз? Кўрдингизми?!

— Ҳа, кўрдим, шуни кўрдимки аёл кишига буюмдек муносабатда бўлишяпти. Иккита бўлса яхши, учта бўлса зарар қилмайди. Шунақами? Ахир ЙИГИТ киши — журъат, жасурлик, мардлик, орияти билан йигит-ку. Нега ўзларини севганларидан кўра, кўпроқ севишади. Салгинага қўл силтаб кетишади-ю, бошқага уйланиб бўлишгач, у-сиз яшаш даҳшатлигини ҳис қилиб қолишади. Шу биргина журъатсизлиги уч кишига (балки ундан ҳам кўпроқ) кишига бахтсизлик келтираётганини билишмасмикин. Фидо бўлмасдан фидолик кутиш эмасми, бунинг оқибати. Қайсидир қизбола сизни алдаб кетгани учун менга қарши мактуб битишга шошилманг, яхши йигит, айбни ўзингиздан ахтаринг, энг заиф кишиларгина аёллардан айб излашади...

Дўстим Абдураим, 3 хотини бўлган, балки ундан ҳам кўпроқ завжаси бўлган эркакнинг сиз мардларча ҳимоя қилаётган бошқаларга қайрилиб қарамаслиги масаласида ҳам фикримиз бир жойдан чиқмайди. Вужуд — руҳ, мия — кўнгил олдида ожиз экан, гапга ҳатто ўзни ҳам ишонтириш қийин. 70 ёшли чолнинг текисроқ кийинган аёлга сук билан қараб ўтирганини кўриб кўнглингиз айнимаган экан-да.

Тарихда урушлар натижасида етим-есирлар кўпайиб кетган. Қурби етган кишиларгина болалар нопок йўлларга кириб кетмаслиги ёки аёл кишига фарзанд тарбияси оғирлик қилишини ҳисобга олиб такрор уйланишган.

Хассос адибимиз Абдулла Қодирий кундошлар фожеасини маҳорат билан тасвирлаб берганлар. Отабек билан Кумушнинг Тошкентдаги учрашувини ёдга олайлик:

— Сиз... қочқоқсиз! — деди.

— Сиз...

— Мен?

— Сиз қувлоқсиз!

— Ажаб қиламан, — деди Кумуш ва эринин юзига секингина уриб қўйди.

— Бу ёққа ҳам...

— У ёққа Зайнаб урсин!

— Зайнабнинг... Уришга ҳаққи йўқ!

Ҳа, Зайнабнинг кўп нарсага ҳаққи йўқ. Худойим, ҳар ҳолда заҳар кўтарган Зайнаблар кўпайиб қолишидан асрасин-да.

Муҳаббат. Асрий илоҳий туйғу Муҳаббат қаерга кетади. Оллоҳнинг энг бокира неъмати — Севги-чи? Энг ширин орзулар, латиф туйғулар, ҳатто изтиробли қийноғи-ю шикаста боқишларигача азиз бўлган муҳаббатчи? Ҳамма нарса, борлиқдаги тирик мавжудот жуфти билан яратилган. Нега энди икки ёки учта эмас, атиги биттагина. Аччиқ саволга жавоб ҳам шарт эмас.

Нақл қилишларича, Муҳаммад алайхис-саломнинг қизлари биби Фотима мен ҳеч рашк қилмайман деб қолибдилар. Майли, эрим уйланса уйланаверсинлар. Шунда пайғамбаримиз «Қизим рашк қилмайсизми, майли унда кўрамиз», дебдилар. Хулласи, тўй бўлибди, келин-куёвни ўз хоналарига киритишибди, биби Фотиманинг хонаси билан қарама-қарши бўлган бу хона йўлига билдирмасдан михларнинг тиғини тепага қаратиб қоқиб қўйишибди.

Эрталаб қарашсаки, биби Фотима ҳеч нарса билмагандек ўтирганмиш. Пайғамбар ҳа, қизим кундошлик шундай бўлади деб, йўлакдаги қон изларига ишора қилиб чиқиб кетибдилар. Биби Фотима рашкнинг зўридан михни ҳам сезмай, эрталабгача эри билан кундоши бўлган овулнинг олдига бориб, ваъдаси эсига тушиб, қайтиб чиққан эканлар.

Мақолани атайлаб Момосулув момо мисоли билан бошладим. Танганинг иккинчи томонини ҳам унутмасликка уринганим бу. Кимларгадир фикрларим ёқмас, кимлардадир эътироз туғдирар, аммо кўпчилик билан фикрдош эканлигимга аминман. Шундай эмасми?

**Лола САОДАТОВА.**

# БАХТЛИ АЁЛ АРМОНИ

МЕН шу армоним билан дунёда минг йиллар яшаганга ўхшайман. Баъзан чарчаб кетаман. Ҳолбуки, бу тақдирга шаккоклик, ношукурчилик. Эшигимдан биров сўроқлаб келса, дастурхон ёзишга қурбим етади. Тангрига шукур, болаларим соғлом ўсишаяпти, эрим жуда бебаҳо одам. Соатлаб суҳбатлашсам ҳам зерикмайман.

Лекин...

Сиз йиллар ёмғири, қори, бўрони уравериб, омонат бўлиб қолган деворни кўрганмисиз? Унинг йиқилиб, кунпоякун бўлиб кетиши учун енгил бир зарба кифоя. Мен ўша зарбаман.

Ҳа, мен бир оиланинг барбод бўлишига сабабчи бўлганман. Баъзан тунлари тушимга ўша мен мангу ёлғизликка маҳкум қилган аёл кириб чиқади. У сочлари ёйиқ, қиблага қараб ўтирган куйи қўлларини очиб, мени қарғайди, ёмон қарғайди. Қора терга ботиб уйғонаман. Ўзимдан ўзимга таскин ахтараман. «Йўқ, йўқ, мен айбдор эмасман. Сиз айбдорсиз, сиз шу одамни авайлаганингизда, йилма-йил, кунма-кун қалбини жароҳатлайвермаганингизда, балки ҳеч гап бўлмасди. Балки, мен «шу жароҳатга малҳам бўлай» деб сизларнинг оилаларингизга суқилиб кирмаган бўлардим. Энди тинчидим десам, маъюс нигоҳлар сувроти рўпарамда туради, тураверади. Бу ўша аёлнинг болалари.

Болалар — энди улар йигитлар, уйимизга тез-тез келиб туришади. Мен билан улар онасини ёлғиз қолдирган, дадасини тортиб олган аёл билан эмас, мунис бир оташ ила суҳбатлашиб ўтиргандай сўзлашишади. Барибир мен уларнинг қалбини мудом ҳис этиб тураман.

Гарчанд болалар отасининг моддий ёрдамига муҳтож эмаслар, керак бўлса, улар бизга ёрдам беришлари мумкин, барибир ота, ота-да. Ҳеч бўлмаганда, ишдан, ўқишдан қайтишган пайтда дадаларининг эшик олдида, чопон, дўппи кийиб, қўни-қўшнилар билан суҳбатлашиб ўтирганини орзу қилишар, энди эса бу истакларнинг қаноти синиқ...

«Бунча чучмал гаплар... Ҳозир эркаклар эмизикли гўдаги, тили «дада»га келган мурғакларни ташлаб, бемалол бошқасига уйланиб кетишаяпти-ку», — дейишингиз мумкин.

Мен ҳам олдин шундай ўйлардим. Ўйлаганимга суяниб: «Юкли одамга турмушга чиқманг...» деган насиҳатларни босиб ўтиб, шу тақдирни қилганман. Олдинлари заррача иккиланмасдим. «Мен бир инсон қадрини баландга кўтардим. У дунёга янги келгандай бўлди, меҳр-муҳаббатимни оёғига пойандоз қилдим», дея ўз-ўзимдан қониқар, ўз-ўзимдан ғурурланар эдим. Аммо фарзандларим туғилгач, Онанинг, АЁЛнинг ким эканлигини бир қадар англагандай бўлдим. Унга кечиримли бўлиш, унга кенглик қилиш жоиз эканлигини англадим.

Айтишадики, «бахтлилар ҳаётни ўз шодликлари оша кўрадилар. Бу шодлик ҳаёт ғуборларини бўяб кўрсатади», деб. Бўлса бордир. Лекин мен бахтли бўла борганим сари «Тўғри қилдингми?» деган савол дилимнинг тубидан тилимга тез-тез қалқиб чиқадиган бўлиб қолди. Мен фарзанд туғиб, тарбиялаган аёл ёмон бўлмаслигини, уни танҳо қолдириш гуноҳ эканлигини аниқ билдим. Ана шу гуноҳим — энди армон.

...Ҳозир тун. Болаларим ётиш олдидан дадалари билан ёток жойни бошларига кўтариб шовқин-сурон қилиб ўйнашмоқда. Мен ошхонадаман. Ташқарида қаттиқ шамол. Балки ҳозир ўша аёл ёлғиз ўзи ҳеч ким чертмайдиган деразасига термулиб ўтиргандир, ким билади, у қачон ухлайди, қандай ухлайди...

Ўқувчиларимнинг истеҳзоли нигоҳларини ҳис этиб турибман: Ўзингиз қилар ишингизни қилиб, энди дийдиёнгиз нимаси? Кимга нима демоқчисиз бу билан?

Ҳа, босилган қадам — ҳаёт, уни бошқа яшаб бўлмайди. Фақат дунёда бошқа бир қиз бор. «Мен бахтсиз одамни бахтиёр қиламан», деб мен юрган йўлдан юришга шай турибди... У мен каби Саъдийнинг «Бировнинг бахтсизлиги устига бахт қасрини қуриш виждонсизликдир» деган қисматларини эшитгиси келмайди. Балки бу қиз битта эмас, ўнтадир...

Синглим, шошилманг, менинг армонимни ўқинг...

**БИБИНУР.**

